**Тасдиқлайман**
**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи**
**К.Рустамов ____________**
**«___» «__________» 2022 йил**

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**
**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: **Кармана тумани "Нурафшон" МФЙ даги Поткарон кўчаси аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 4,5 км тармоқ тортиш ва "Ўзбекистон" МФЙда намунали лойихада қурилган 17 та кўчадаги уйларнинг ичимлик суви қувурларини реконструкция қилиш ҳамда "Хўжа Хисрав" МФЙ даги илгор кўчасида 500 метр ичимлик суви қувурларини алмаштириш., объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, топотасвир ишларини бажариш**, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС хулосасини олиш ишларини бажариш.

1.2. Танловнинг юкори киймати- **115 620 000 (бир юз ўн беш миллион олти юз йигирма минг)**сум.

Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3. Хизмат буйича Техник топширик танлов хужжатлари техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **“ "Сув таъминот ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси”** (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Узбекистан Республикаси Навоий шахри Ғалаба шох кўчаси 226, e-mail:navoiy-injiniringduk@mail.ru Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.2. Танлов "Сув таъминот ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

2.3Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сунг якунига (сониясига) кадар тижорат таклифлари кабул килинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки голибни танлаб олиш максадида харид комиссиясининг йигилиши

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда ишвахизматлар курсатишга ихтисослашган лицензияси мавжуд, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:
Танлов предметида иштирокчининг кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала хукукий лаёкат ва ваколатлари; танлов объекти ва ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнин гмулжалланаётган хажми (50 фоиз дан кам булмаган холда);

3.3Агар танлов предметида булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.2 Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, Манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган холатлар аниқланганда, бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдимэ тилиши мумкин.

4.2 Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари ваколатли шахс изоси ва мухр билан тасдикланган холда такдим этишлари лозим.

4.3 Танлов иштирокчиси:
- Такдим этилаётган хужжатларни хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;
- Таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

**4.4 Умумий талабларни порталга юклаш шартлари:**

1)кўйилма–танлов қатнашчисининг ташкилий тузилиши тўғрисида маълумот (структура);
2)кўйилма–танлов қатнашчиси ҳақида умумий (ишчи ходимлар меҳнат дафтарчалари ҳамда дипломлари билан) маълумот;
3)кўйилма–танлов қатнашчисининг моддий техник базаси тўғрисида (тасдиқловчи хужжатлари билан) маълумот;
4)кўйилма–танлов қатнашчининг гувоҳномаси, лицензияси;
5)кўйилма–танлов қатнашчиси томонидан охирги уч йил мобайнида шунга ўхшаш объектлар бажарилган лойиҳа-смета ишлари тўғрисида шартномалар

4.5 **Молиявий барқарорлик:**

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

Асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мавжуд эмаслиги;

Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги;

Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги

4.6 **Қатнашчи ташкилотнинг Навоий вилоятида шаҳсий офисга ёки ижара жойига эга эканлиги:** (Кадастр ҳужжати ёки ижара шартномаси талаб этилади)

## 5 ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИ

5.1 Белгиланган тартибда танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли холда эълон килинган муддатдан белгиланган тартибда кабул килиши ёки узайтириши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голибни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2 Танлови штирокчиси танлов хужжатлари коидаларинии танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлара сосида тузилади.